

Молиявий Ҳисоботни Халқаро Стандартлар Ассосида Тузишнинг Муаммо Ва Ечимлари

М. А. Абдуганиев¹

Аннотация: Мақолада молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари ўрганилган. Жумладан, молиявий ҳисобни ташкил этишда таъсир этувчи муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалари тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари,

1. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли Қарори [1] қабул қилинди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, Молиявий ҳисоб соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Анъанавий қўлланиб келинган миллий ҳисоб тизими босқичма-босқич Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг зарурлиги бизнинг назаримизга кўра, бугунги кун талаби нуқтаи-назаридан бирмунча биқик миллий ҳисобчиликнинг анъанавий тизимдан босқичма-босқич воз кечиш, мазмунан туб янги Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг зарурлиги хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек мутахассисларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш ҳаётий заруратини таказо этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Танланган тадқиқот мавзуси доирасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари моҳиятини ва мақсадини, чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Олимларимиз Каримов А.А. ва Қузиёв И.Н. лар МҲХС талабларига ҳозирги бухгалтерия ҳисоби талабга жавоб бермаслигини алоҳида такидлаб айтганлар.

Молиявий ҳисоб-китобларини тўғри олиб бориш ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг хизматлар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар ва муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган.

¹ ТДИУ «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» Талабаси




4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда молиявий ҳисобот ахборотларнинг аниқлиги ва шаффофлигида дунё тан олган мезонлардан анча ортда қолинганлиги, амалдаги тартибларга асосан солиқлар, расмий ва чоп этиладиган манбаларда фақат давлат органлари томонидан белгилаб берган тартибларга риоя қилиниши, корхона ва ташкилотларни молиялаштиришда ва ривожлантирувчи энг муҳим иштирокчилар бўлган инвесторлар, қарз берувчи ва кредиторларнинг иккинчи ўринга қўйилганлиги ривожланишда муваффақиятсизликларга сабаб бўлиб келди.

Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби юритилиб, ҳисобдорлик амал қилиб келмоқда. Бироқ, бир хилдаги иқтисодиётнинг қонун-қоидалари асосида ишлаётган ҳамда Ҳисоботларнинг халқаро миқёсдаги турли туманлиги қуйидагиларга олиб келади:

- молиявий ҳисоботларни тузишга кетадиган харажатларнинг мўлжалдан юқори даражада бўлиши – чунки транснационал компаниялар ўз фаолиятлари ҳақида турли мамлакатлар учун турлича ҳисоботлар тузишга мажбур бўладилар;
- тижорат компаниялари турли мамлакатлардаги фаолиятлари молиявий натижаларини баҳолаш учун ягона тизимга ега бўлиш еҳтиёжи туғилади. Компаниялар, бундан ташқари, уларнинг ташқи ҳисоботлари фаолиятни баҳолашнинг ички баҳолашларига мос тушишларини ҳам хоҳлайдилар. Бу икки мақсадга еришиш еса турли мамлакатлардаги ҳисоботлар турлича бўлгани ҳолда жуда мушкул ҳисобланади. Ташқи иқтисодий молиявий қарорларни қўллаб қувватлаш учун еса, албатта, бутун жаҳон учун молиявий ҳисоб ва ҳисобот бўйича таркибан бир хил, умумқабул қилинган ва мажбурий стандартлар тўплами зарурдир.

Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари бир-бири билан узвий боғлиқдир, чунки улар бир хил операциялар ва ҳодисаларни турли жавҳаларини акс еттиради. Ҳисоботнинг ҳар бир шакли бошқалардан фарқ қиладиган маълумотни беришига қарамасдан, ҳеч бири яққаланиб қолмайди ва фойдаланувчилар учун муайян еҳтиёжларини акс еттирувчи керакли бўлган барча маълумотни йетказиб бера олмайди. Масалан, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, мувозанат ва молиявий аҳволни ўзгариши ҳақидаги ҳисоботларнинг маълумотларисиз фойдаланса, корхонанинг молиявий натижалари ҳақида тўлиқ ахборотни бера олмайди. Молиявий ҳисобот шакилларини 1-расмда келтирилган.



**Хусусий капитал
туғрисидаги
хисобот**

- Хусусий капиталдаги ўзгаришлар туғрисидаги хисобот

1-Расм. Молиявий хисобот шакллари**5. Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ташқи бозорларга чиқиш, халқаро савдо ва тижоратни йўлга қўйиш, жаҳон фонд бозорида иштирок этишда молиявий хисоботларни ҳам барча учун бир хил шаклда ва мазмунда чоп этиш зарур деб хисоблаймиз.

Мухтарам Президентимизнинг «Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорининг кенг қўламли ва сифатли ижросида кадрлар масаласи асосий масала хисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда стандартларга жавоб бера оладиган кадрлар тайорлаш зарурдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия хисоби” туғрисидаги қонун 13.04.2016
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-4611-сонли Қарори.
 3. Каримов А.А. ва Кузиев И.Н. Молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари. Унга мослашиш йўлида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилган? Халқ сўзи 13 Май 2020
 4. БХМС 1 “ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ”
 5. БҲХС 1 Молиявий хисоботларни тақдим этиш
 6. Usmanovich, B. A. (2021). WAYS TO IMPROVE THE FINANCIAL RESULTS OF ENTERPRISES. In Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences (USA) (pp. 176-178).
 7. Nizomiddinov, J. Z.O., & Burkhanov, A. U. (2022). IMPROVING METHODS FOR ASSESSING THE COMPETITIVENESS OF TRADE ENTERPRISES. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НАУКИ 2022 (pp. 42-44).
 8. Nizomiddinov, J. Z. (2022). MUQIMIYNING “SAYOHATNOMA” SIDA DAVR, MUHIT, VOQELIK TASVIRI. Ученый XXI века, (3 (84)), 15-21.
 9. Nizomiddinov, J. Z. (2022). MUHAMMAD AMINKHOJA MUKIMI ENLIGHTENER OF THE NATIONAL AWAKENING. Вестник магистратуры, (3-2 (126)), 121-122.
 10. Zuxriddin o‘g‘li, N. J. (2022). КОРХОНАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 212-215.
 11. Zuxriddin o‘g‘li, N. J. (2022). MUQIMIYNING IJODIY MEROSI. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(3), 82-85.
 12. Zuxriddinoglu, N. J. (2022). Methods for Assessing the Competitiveness of an Enterprise in a Transforming Economy. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(3), 50-52.
 13. Zuxriddinoglu, N. J. (2022). Management of the Competitiveness of Enterprises, Taking into Account the Preparation of Production. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(3), 250-254.
-
14. Zuxriddinoglu, N. J. (2022). Theoretical Foundations of the Concept of the Company's Competitiveness. International Journal on Orange Technologies, 4(3), 86-90.

